



# ТОШКЕНТ О'QUCHOQI



ШАХАР  
ИЖТИМОИЙ-  
СИЕСИЙ  
ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 54 (9.551) 2001 йил 11 май, жума ◆ Сотувда эркин нархда

**БУГУН**

**Тошкентда  
иккинчи чақириқ  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлисининг  
бешинчи сессияси  
бўлиб ўтмоқда**

**XVI саҳоси**  
Барча малбалардан  
олинган сўзгиг хабарлар

**Мамлакатимизда**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оксарой қароргоҳида ўн беш қисмдан иборат ҳужжатли-публицистик фильми суратга олиш устида иш бошлаган Россия Давлат телерадиокомпанияси журналистларини қабул қилди. Ушбу фильмнинг бир қисми Ўзбекистонга бағишланади.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Кон-металлургия саноати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Унга мувофиқ май ойининг учинчи яқшанбаси мана шу соҳа ходимлари кунини эътиб белгиланди.

● Мамлакатимизга Хитой ижтимоий-фанлар академияси президенти Ли Теин бошчилигидаги делегация ташриф буюрди.

● Республикамининг мўъжизавий гиганти — «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида конвейердан 250 мингинчи автомобиль тушириб олинганлиги тантанали вазиятда нишонланди.

● Бугун «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Нукус музейининг ноҳир хазиналари» деб аталувчи кўргазма очилди.

● Кеча Ўзбекистон рус академик драма театрида халқ мусиқа асбоблари ва оркестрларининг биринчи «Тошкент баҳори-2001» Халқаро фестивали очилди.

● Эллиққалъа тумани маркази Бўстон шаҳрида шарқ мейморчилиги ўслублари асосида барпо этилган гўзал иншоот — қариялар чойхонаси фойдаланишга топширилди.

● Самарқандлик Ирода Хамроқулова шахмат бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди.



**Жаҳонда**

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин таниқли сиёсатшунос Виктор Черномурдинни Россиянинг Украиндаги элчиси эътиб тайинлади.

● Депутатлардан бири ўғирлаб кетилгандан кейин Грузия парламенти ўзинини вақтинча тўхтатиб қўйди.

● 14 май кунини Москвада «Курскув ости кемаи ҳалокати сабабларини ўрганиш бўйича ҳукумат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

● Бельгия ҳукумати 5 майдан бошлаб Россия фуқароларига кириш визасини беришни тўхтатиб қўйди.

● Украинада 39 нафар ноқонуний муҳожири қўлга олинди. Маълум бўлишича, улар Украина орқали Венгрияга, ундан эса Европанинг бошқа давлатларига ўтиб кетмоқчи бўлган.

● «Лүфтганза» учувчиларининг иш ташлиши оқибатида ўнларча йўналишлар бекор қилинди. Авиаторлар иш ҳақининг оширилишини талаб қилишмоқдалар.

● Покистонда эллиққа яқин одам офтоб уриши натижасида ҳайдан кўз юмди.

● Германиянинг «Байер» концерни жинсий камқувватликка қарши курашда оммавийлашиб кетган «Виагра» билан рақобатлашадиган дори яратилганини эълон қилди.

● Испаниянинг «Валенсиа» ва Германиянинг «Бавария» футбол жамоалари чемпионлар лигаси финалида учрашадиган бўлишди.

## Санъат кошоначлари қурилиши билан танишув

Аввал хабар берилганидек, 8 май кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Тошкент Давлат консерваториясининг пойтахтимизда қад ростлаётган янги биноси қурилиши ҳамда Хамза номи театридаги қурилиш-таъмирлаш ишлари билан танишди.

Тошкент Давлат консерваториясининг янги биноси пойтахтимиз кўрига кўрк қўшувчи мухташам иншоотлардан бири бўлади. Айни пайтда унда мингдан ортиқ бинокор фаол меҳнат қилмоқда. Консерваториянинг янги биноси эскидан анча катта — 600 талабага мўлжалланган. Унда 45 та махсус мусиқа аудиторияси, 40 та ўқув хонаси, тўртта концерт зали бўлади. Келгусида бу ерда мусиқий тарбияга йўналтирилган лицей очилиши ҳам кўзда тутилган. Консерватория замонавий ускуналар билан жиҳозланади.

Давлатимиз раҳбари иншоот билан танишар экан, унинг фойесини кенгрок ва баландрок қилиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

— Бундай санъат кошоначасига кирган кишини, аввало, фойенинг гўзаллиги ва салобати ўзига тортомоғи лозим, — деди Президент. — Чунки у оддий иншоотлардан эмас. Шунинг учун уни бунёд этишда бугунни эмас, келажакни ҳам кўзлаб иш тутмоқ лозим.

Дунёда энг яхши орган мусиқа асбоблари Германияда ясалади. Консерватория учун ҳам бу мамлакатдан иккита орган олиб келиниши режалаштирилган. Президентимиз уларни ўз вақтида келтириш, залларда акустиканинг юксак даражада бўлишини таъминлаш учун ҳозирданок ишга киришиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз театрларининг энг тўнғичи саналмиш Хамза театри биноси айни пайтда деворли қайтадан қурилоқда. Тула таъмирлаш жараёнида унинг фақат баъзи девор қисмлари сақлаб қолинди, холос.

Давлатимиз раҳбари иншоот қурилишини кўздан кечириб экан, уни бўяшда мовий ва оқ ранглари кўпроқ ишлатишга эътибор бериш зарурлигини таъкидлади. Негаки, бундай ранглар кошоначга ўзига хос чирой бағишлайди, уни янада маҳобатли қўрсатади.

— Театрнинг безатишига нозик дид билан ёндошмоғимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари. — У — Ўзбекистондаги барча театрларнинг отаси. Унда миллий театр руҳи акс этиб туриши лозим.

**Анвар КАРИМОВ,  
ЎЗА мухбири.**



Кураш эса ҳеч қачон осон кечмайди. Биз келажакни буюк давлат қурмоққа киришган эканмиз, бу йўлдаги қийинчиликлардан чўчimasлигимиз керак. Бу ишда эса биринчи галда ёшларга ишонамиз. Шунинг учун уларга эътиборни тобора кўчайтирялмиш. Улар биздан-да ақли, доно ва албатта бахтли бўлсин. Ҳар бир йигит-қиз юртимизда кечаётган жараёнларнинг четдаги томошабини эмас, фойи иштирокчиси бўлишини истаймиз.



Сўнгра Юртбошимиз мамлакатимиз зиёлилари билан суҳбатлашди. Хотира ва Қадрлаш кунини мазмун-моҳиятини кишилар, айниқса ёшларимиз онгига етказиш, урушнинг дахшатли нафаси юртимизга кирмаслиги учун нимчалар қилишимиз лозимлиги тўғрисида ўзаро фикрлар алмашилди. Ўзбекистон Қаҳрамонлари, шoirлар Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист Холита Аҳроровалар Хотира ва Қадрлаш кунини моҳиятини халққа етказиш, хозирги мафкуравий курашлар даврида тўри йўлни кўрсатишда зиёлилар ва ижодкорлар қарамбаста бўлиши, шунингдек мактаблар дарсликларини замона талабларига келтириш зорасида хали муайян ишларни амалга ошириш лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини баён қилдилар.

Байрам давомида биз билан суҳбатлашган II жаҳон уруши ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар Мухсиiddин ота Камолов, Хусан ота Саидмуродовлар ҳам инсон хотираси муқаддас эканлигини айтиб, унинг давлат миқёсида байрам қилиниши — халқимиз учун мисли кўрилмаган бахт, қолаверса жуда савоб иш эканлигини алоҳида таъкидладилар. Ушбу суҳбатлар асосида биз Хотира ва Қадрлаш тўшмачалари ўзаро уйғун эканлиги, утганлар хотирасини доимо эслаб, тирикларнинг қадрига етиш энг улуғ инсоний бурчларимиздан эканлигини янада тeранoқ қилдик.

Шу кунини Хотира майдонидан то кечага қадар одамлар қадими аримади. «Мотамсаро она» хайкали пойга турили давлат ва жамоат ташкилотлари, шахримизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпүс вакиллари, шунингдек ҳамшахарларимиз ва пойтахтта узоқ-яқиндан ташриф буюрган меҳмонлар кўйган гулдасталар бутун атрофда чирой бағишлаб, инсон хотирасини ҳар нарсадан улуғ эканлигини яна бир қарра исботлади.

Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тадбирлар шахримизнинг ҳар бир гўшасида, зиёратгоҳида давом этди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ  
СУРАТЛАРДА: 9 Май Хотира ва Қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилган тадбирдан лавҳалар.**

**Дилшод Юсупов (ЎЗА) ва Сергей Любичев олинган суратлар.**



## Инсон хотираси муқаддас, қадри азиз



Урушнинг номи ўсин, дейди халқимиз. Чунончи, инсоният бугунга кўпбал бало-офатларни ёдгирган II жаҳон уруши жанггоҳларига 1,5 миллионга яқин юртдошларимиз жўнаган бўлса, шулардан 500 мингга яқини ўз азиз жонини қурбон қилди. Фақат истиқлолдан кейингина том маънода ўтганлар хотирасини эслаш, тирикларни эъзозлаб иззат-иқром қўрсатиш ишларига муҳим аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан қад ростлаган Хотира майдони эндиликда муқаддас зиёратгоҳга айланди.

Мамлакатимизда учинчи бор Хотира ва Қадрлаш байрамини нишонлаш ниётида 9 Май кунини эрта тонгданок уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, вазиолик ва идоралар раҳбарлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари Хотира майдонига йиғила бошладилар. Бу гал барчанинг қайфияти ўзгача. Зеро, эндиликда улар номи-насаби маълум бўлмаган номъялүм аскарни эмас, балки юрт озодлиги йўлида жонини берган, номлари дафтарларга зарҳал харфлар билан битилган оға-инилари, қариндош-уруғларини ватандошлари руҳи-покига эҳтиром айлаб хотирлаш учун келган эдилар.

Хотира хиебонига ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғиланлар билан бирма-бир саломлашти, харбий оркестр садолари остида «Мотамсаро она» хайкали пойга гул қўйди. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида шахид кетган ватандошларимиз номлари битилган айвонларни зиёрат қилди. Сўнг оддатидек журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

— «Мотамсаро она» — Ватан тижосидир, — деди жумладан Юртбошимиз. — У гўё фидойий фарзандларини бағрида ардоқлаб тургандек. Фарзанд учун онанинг қайноқ бағридан аяқшироқ оромли гоҳ йўқ. Унга қараб туриб, урушчи, қатогани тасаввур этган, маълум йиллар нафасини ҳис қилган киши бугунги озод ва эркин ҳаёт учун шукроналар айтиди, хозирги фаровон турмуш, мусофаф осмоннинг қаддини англайди.

— Биз фахрийларимизнинг қадрини хойига қўйиш, уларга қўлдан келганга гамхўрлик қилишни унутмаслигимиз лозим, — деди давлатимиз раҳбари. — Марҳумларни ёд этиш учун кўп нарсга талаб қилинади. Лекин тирикларнинг гамини ейиш осон эмас. Утган йилли бу ерда кўрган айрим фахрийларни, минг афсуски, бугун учрата олмадик. Шунинг учун мен бугун уруш ва меҳнат фахрийларига, аввало, узоқ умр, мухтастам соғлиқ тилаймиз. Улар борлигининг ўзи биз учун катта давлат.

Мамлакатимиз раҳбари журналистлар орқали ёш авлодга мурожаат қилар экан, уларни фидойиликка, юрт равнақи йўлида янада фаолроқ меҳнат қилишга чақирди.

— Ҳаёт курашлардан иборат, — деди Президентимиз. —

Куни кеча Республика ёшлари «Камолот» ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда пойтахтдаги қорхона ва ташкилотлар вакиллари, мактаблар, коллежлар ва лицейлар, олий ўқув юр்தларнинг талаба ва ўқувчилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг раиси Б.Убайдуллаев бутун ёшларимизни бирлаштириб, уларнинг ўз иқтидорларини намойён этишлари, имкониятларидан унумли фойдаланишлариغا кўмаклашувчи бундай ташкилотни ташкил этишнинг муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Таъсис конференциясида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳининг раҳбарлари ҳам сўзга чиқишиб, ёшлар ҳаракати Низоми ва фаолият йўналишларини ишлаб чиқиш юзасидан ўз таклифларини киритдилар. Шунингдек, керакки, қизиқиш-манфаатлар бўйича клубларнинг ташкил этилиши, ёшлар ўртасида гивандлик ва ичкиликбозликка қарши кураш бўйича тадбирларни ташкил этиш «Камолот» ёшлар ҳаракатининг энг муҳим фаолият йўналишлари сирасига кириди. Шунингдек, шаҳарни кўккаламзорлаштириш бўйича тадбирларга катта эътибор қаратиш,

## «Камолот»нинг шаҳар бўлими таъсис этилди



пойтахтда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича ёшлар гуруҳларини ташкил этиш, шунингдек, ижодий иқтидорга эга ёшларни аниқлаш ва уларни келажақда кўллаб-қувватлашга йўналтирилган чора-тадбирлар ва спорт тадбирларини уюштириш тўғрисидаги таклифлар ҳам илгари сурилди.

Анжуманда энг ташаббускор ёшлар орасидан «Камолот» шаҳар кенгашига делегатлар, шунингдек ёшларнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг раҳбар-

лари сайланди. Ф.Маҳмудхўжаев ҳаракат шаҳар бўлимининг раиси, А.Каримов эса унинг ўринбосари этиб сайландилар.

Анжумандан сўнг биз унинг айрим қатнашчиларидан фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни илтимос қилдик.

**Шаҳноза РИХСИЕВА,**  
**«Орзу» корхонасининг ишчиси:**

— Бундай ташкилотнинг ташкил этилиши давр тақозоси эди ва шуниси қувонарлики, ушбу гоё ҳаётга тadbир этилди. Ёш-

лар ўз муаммоларини ечишларига имкон яратилиб, қўллаб-қувватланмоқда. «Камолот» қошида 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўсмирлар билан ишловчи махсус ташкилотнинг тузилиши айниқса, нур устига нур бўлди. Демак, барча ёшларимиз эътиборсиз қолмасдан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати доирасига камраб олинади. Ҳаракат раҳбарлигига тажрибали ва ёшлар муаммоларидан яхши хабардор бўлган кишиларнинг сайланиши ҳам келгусида «Камолот» фаолияти муваффақиятли кечишига ишонч туғдиради.

**Жасурбек АБДУСАМАТОВ,**  
**Тошкент иқтисодий университетининг 2-курс талабаси:**

— Менга айниқса янги ташкил этилган ёшлар ижтимоий ҳаракатининг гивандлик, ичкиликбозлик, экстремизм муаммоларига муҳим аҳамият қаратиши ёқмоқда. Ёшларимиз кўпинча турли хил маълумотларга қанқоқлик сезадилар, баъзан маслалат ва ёрдам сўраб қаерга мурожаат қилишни билмайдилар. Эндилда «Камолот» ўтказадиган тадбирлар орқали аҳвол яхши томонга ўзгариши мумкин. Энг қувонарлики шундаки «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва унинг Тошкент шаҳар бўлими тимсолида биз кучли мададга ва ёшларга том маънода кўмаклашиши мумкин бўлган ташкилотга эга бўлдик.

(Ўз мухбиримиз).

## Кексалар эъзозланди

*Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан «Ўзбек ипаги» уюшмасида уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларини эъзозлаш мақсадида тўқтин дастурхон ўтказилди.*

— Биз кексаларни эъзозлаётган, саовб ишларга бош-қош бўлаётган Юртбошимиз ҳамisha омон бўлсинлар, Мустақил Ўзбекистонимиз асло завод топмасин, — дейди 89 ёшни қаршилаган, 37 йил пиллачиликда ҳалол меҳнат қилиб ҳозирда фарзандлари, набираю эваралари ардоғида бўлган табаррук инсонлардан Бозорбой ота Умархўжаев.

Учрашув давомида «Ўзбек ипаги» уюшмаси раиси Абдулғаффор Аҳмадалиев ҳар бир қатнашчига Президент совгаларини топширганида кекса, нуроний отахон ва онахонлар бу эътибор ва эъзозга, меҳнатлари қадр топганига шукроналик билдириб дуога қўл очдилар.

\*\*\*

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Республика ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмиталари номидан фан, маданият, санъатимизнинг буюк дарғалари Ҳалима Носирова, Фозила Сулаймонова, Башорат Мирбобоева, Олия Қосимова, Зухра Ганиева, Мавжуда Саматова, Екатерина Ульяновна, Азиза Қаландарова ва бошқа шу сингари уруш ва меҳнат фахрийлари, бетоб ва қарияларнинг хонадонларига борилиб, бу азиз инсонлар муборакбод этилди, уларга совгалар топширилди.

\*\*\*

*Пойтахтнинг барча маҳаллаларида бўлган каби Мирзо Улуғбек туманидаги буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур номи билан аталувчи маҳаллада ҳам Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан маърақад тадбир ўтказилди.*

Ушбу тадбирга Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда ёшларга ибрат бўлаётган фидойи инсонлар таклиф қилиндилар.

Маҳалла оқсоқоли, генерал Абдуллажон Ортиқбоев Президентимизнинг Фармони асосида мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш кунининг нишонланиши халқимиз дилидаги айни муддао бўлганлигини таъкидлади, тантана иштирокчилари бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар, қуролдош дўстлари ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашдилар.

Тўқтин дастурхон атрофида инсон хотираси муқаддас, тириклар қадри сарбаланд эканлиги хусусида узоқ вақт гурунгдавом этди.

(Ўз мухбирларимиз).

## СУРАТЛИ АХБОРОТ

Кейинги пайтларда шаҳаримиз маҳаллалари тобора чирой очиб, ободонлашиб бормоқда. Хусусан, йил бошидан буён бешта маҳаллада спорт-соғломлаштириш мажмуалари фойдаланишга топширилган бўлса, Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Яқкасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳаллада замонавий ва шинам гузар очилди.

Шунингдек, керакки, нисбатан қисқа вақт ичида Республика «Уйжойжамгармабанк»и ҳомиёлигида илгари кўримсиз бўлиб ётган майдон текисланиб кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди. Натижада турли маросимлар ўтказиладиган катта зал, маҳалла оқсоқоли ва хотин-қизлар кенгашининг раиси фаолият кўрсатувчи иккита хона, чойхона, тандируналардан иборат гузар қад ростлади.

Маҳалла гузарининг очилиш маросими файзли байрамга айланиб кетди. Ушбу тадбирда маҳаллада истиқомат қилувчи барча 75 нафар уруш фахрий-



## Маҳалланинг замонавий гузари

лари, ногиронлари, аҳоли бир пиёла чой устида эл севган ҳофизлар — Ҳасан Ражабий, Эркин Рўзमतовлар ижросидаги мумтоз қўшиқларни мароқ билан тинглашди. Ёш спортчиларнинг чиқишлари ҳам маҳалла аҳлини шод этди. Тадбир давомида II жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат

қилганлар, кам таъминланганлар ва яқка-ёлғиз кексаларга маҳалланинг ўз жамғармасидан ажратилган 100 минг сўм тарқатилди.

— Келгусига мўлжалланган режаларимиз бисёр, — дейди Юнус Ражабий маҳалласи фуқаролар йиғини раиси вазифини бажарувчи Михаил Киктев. — Гузар атрофида маиший хизмат нуқталари — сартарошхона, телевизор ва радиоаппаратларни таъмирлаш бўйича устaxonалар, пойабзалларни тиклаш устaxonаси, шунингдек, болажонларимиз учун спорт тўғарақларини очамиз.

Маҳалла гузарининг тантанали очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тулаганов қатнашди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**  
**СУРАТЛАРДА: Юнус Ражабий маҳалласи гузари очилишидан лавҳалар.**

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



## ҚИСҚА суратларда

□ **«ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ»** меҳмонхонасида юртимиздаги асаб касалликлари шифокорларининг тренинг-семинари бўлиб ўтди.

□ **ПОЙТАХТИМИЗ** мактабларининг ўқитувчилари иштирокидаги семинар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан ўтказилди.

□ **МИРЗО** Улуғбек номидаги шаҳар халқаро мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи пухта билим олиш мақсадида АКШга жўнаб кетишди.

□ **ТОШКЕНТ** Давлат шарқшунослик институтига кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи юзасидан бажарилган вазифарлар ва келгуси режаларни муҳокама қилишга бағишланган анжуманга йиғилган ўқитувчилар таълим соҳасида юз бераётган муаммоларини ҳам муҳокама этишди.

□ **МИРБОД** туманидаги 22-мусиқа мактабининг 30 йиллиги тантаналари кенг нишонланди.

□ **БЕКТЕМИР** туманидаги марказий кутубхонада «Миришкор» маҳалласи ташаббуси билан ёшлар иштирокида «Вакт бойликдаимиз?» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

□ **ТАДБИРЛАРУ** ўқитувчилар иштирокида «Архитектура, қурилуш ва давр» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуман Мустанқиллигимиз ҳамда Тошкент Архитектура ва қурилуш институтининг 10 йиллик айёмларига бағишланди.

□ **«ШАРҚ»** нарийет-матбаа акциядорлик компанияси ташаббуси билан «Китобхон, китоб ва жамият» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

□ **АБДУЛЛА** Қодирий номли истироҳат боғини қайта қуриш жадал суръатда давом этмоқда. Ушбу истироҳат боғида Осиёда ягона планетарий, 10 та аттракцион, амфи-театр, сузтиш ҳавзаси истиқлолимизнинг 10 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилади.

□ **ТОШКЕНТ** Шифокорлар малакасини ошириш институтида «Анастезеология ва реаниматологиянинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлди.

□ **МИРБОД** туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан фаол аёллар иштирокида ўтказилган анжуман «Ўзбек аёлининг бахти-икболи» деб номланди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши «Анкон» театри билан ҳамкорликда драматург Эркин Хушвақтовнинг «Қирмизи олма» пьесаси асосида сахналаштирилган спектакль премьерасини санъат мухлис-ларига намойиш этди.

# Қўли сеҳрли, кўзи меҳрли

Ҳамшира — ҳар бир инсонга оддий калима, бармоқларида сеҳр, нурли кўзларида меҳр порлаб турган мўътабар касб соҳибасини эслатади. Ҳамшира — ҳали тили чикмаган мурғак гўдакка бир назар ташлагандаёқ ичидаги касалини ҳам, тилини ҳам биладиган меҳрибон, маънавий онадир.

Юртимизда бугун жаҳон ҳамширалари ўзларининг аънавий касб байрамларини нишонлашар экан, албатта унинг асосчиси ва ташкилотчиси, катта касб соҳибаси Флоренс Найтингейлнинг азиз ва мўтабар номини ўз анжуманларида тилга олишади. Чунки у 1839 йил Лондонда ўтказилган биринчи съездида Халқаро Ҳамширалар Кенгаши (ХХК)ни ташкил этиб, унинг низомини ҳам ишлаб чиққан эди. Унда нафақат Англия мамлакатидagi ҳамширалар бирлашгандади, балки уларнинг Ассоциацияси ҳам ташкил этилиб, 100 дан ортқ мамлакат ҳамширалари бирлашган эди.

Ҳозир эса унда 500 дан ортқ Ассоциация мавжуд, улар ҳамшира малакасини халқаро

микёсда ошириш, қўлланмалар яратиш, қулай шарт-шароит яратиш халққа намунали хизмат қилиш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш каби масалалар билан шуғулланади.

Мустақил Республикамизда ҳам ҳамширалар Ассоциацияси ташкил этилиб, унга раҳбар этиб «Ҳамшира» журнали бош муҳаррири ўринбосари Рихсиҳон Солиҳўжаева сайланган.

Шуни айтиш керакки, республикада замон талабига хос ва мос бўлган бўлажак ҳамшираларни тайёрлашда Й. Охунбобоев номли тиббиёт техникумининг директори, олий тоифали муаллими, тиб-



биёт фанлари номзоди Турсунхон Умарова каби фидойи инсонларнинг номларини фахр билан тилга оламиз.

Чехрангиздан табассум ари-масин кўли сеҳрли, кўзи меҳрли азиз ҳамширалар!

**Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ, Халқ таълими фидойиси. СУРАТЛАРИ: Республика илмий ихтисослашган Аллергология марказининг ҳамширалари — Зебохон Олимова қизи Фазилат Ниёзова билан.**

Даврон Аҳмад олган сурат.

## ШАНБАДАН ШАНБАГАЧА: МУНАЖЖИМ ТАВСИЯЛАРИ

# Тана ва руҳингиз бардам бўлсин

● 12 май — шанба (Ойнинг 18/19 куни).

Раъзи ўргимчак бўлган бу куннинг моҳияти шундаки, нуқсонли феъл-атворли ва алдовларга мойиллик салбий таъсирларга берилувчан кишиларни ўз тўрларига ўраб олади. Яъни ҳаёлингизга келиши мумкин бўлган ҳазин уйлар, сабабсиз ташвишларга берилишдан ўзингизни асрашингиз керак. Хуллас, бугунги куннинг ахборот-энергетика таркиби инсон онгига ноҳуш таъсир қилади.

Буларнинг ҳаммасига қарши ҳаракатлар — ут-музиқа ва нафас йўллари орқали амалий машқлар самарали бўлади. Овқатланишда меъёрга риоя қилинг, ачқик ва ўткир таомлар, спиртли ичимликлар, кофедан ўзингизни тийинг.

Тушларингиз ҳам ноҳуш, алғов-далғовли бўлади. Лекин хавотирга ўрин йўқ — улар ўнгидан келмайди.

● 13 май — якшанба (Ойнинг 19/20 куни). Мазкур кеча-кундуз инсон онги маънавий камолот сари ўзгариши билан характерланади. Шунинг учун ҳам бугунги кун олижаноб интилишлар нўқтани назаридан муҳим қарорлар қабул қилиш ва мақсад сари изчил ҳаракатлар бошланиши даври ҳисобланади. Маънавий интилишларингизга бир кунлик рўза ҳафта беради. Сувда чинкиртувчи барча муолажалар, ҳар қандай фаол ҳаракатлар тана ва руҳингизни бардам қилади.

Шу кун юракни фаолроқ ишлатадиган, қонни юргизадиган ҳаракатлар фойдали бўлади. Кўзларингиз бир мунча нокиллашади. Бўғимларда жарроҳлик операциялари, оёқларга тааллуқли муолажалар, артрит, асаб тизими, сезги аъзолари ва кўзларни даволаш тавсия этилмайди. Кўрган тушларингиз ҳафта давомида ўнгингизда содир бўлади ва улар у ёки бу муҳим муаммони ҳал этиш йўллари кўрсатиб беради.

● 14 май — душанба (Ойнинг 20/21 куни). Бугунги кун инсонга иходий парвозларга илҳом бағишловчи онларни баҳишда этади. Иход аҳли учун ҳамма ҳаракатлар ўнғай кўчадиган кун. Шерият оламида ҳам, рангташвир, театр ва кино иходкорлигида, музиқа ва янги кўшиқлар яратилишида омад кулиб боқавари.

Жигар ва қон ҳосил қилувчи тизимни ортққа зўриқтириш мумкин эмас. Анор, сабзи, лавлага, маймунжон ваби қўзил рангли, нордон маҳсулотлари, янги эзиб чиқарилган мева шарбатларини истеъмол қилинг. Оксигил озиқ-овқатлар, ёлғиллик даражаси юқори маҳсулотлар тавсия этилмайди. Очик ҳавода узоқ вақт қилинадиган сайру саёҳат, сув билан боғлиқ чинкиртадиган машқлар саломатлигингизни мустаҳкамлайди.

Кўрган тушларингиз ўнгидан келмаса-да, келажакнингиз учун муҳим бўлган нарсалардан хабардор қилади.

● 15 май — сешанба (Ойнинг 21/22 куни). Бугунги куннинг ахборот-энергетика қудрати инсоннинг маънавий камолотида ижобий таъсир этади. Оқилу донолик, мақсадларга эришиш ўз табиати, илдишларини англаш даври дейиш мумкин бу кунни.

Шу кун умуртқангизга эҳтиёт бўлинг. Шу кеча-кундузда фаол бўладиган қувват маркази думгаза ва тос-болдир суюқлари атрофда бўлади. Шу жойларингизни каттиқ совиб кетишидан асранг. Кутилмаган ва қатъий жисмоний ҳаракатларга йўл қўйиш мутлақо мумкин эмас. Тўйиб овқатланиш, аммо гўшт, парранда ва балқич ортққа иштаха билан тановул қилишдан тийилинг.

Кўрадиган тушларингиз ёрқин, хушқачқак ва ёқимли бўлади. Улар сизни тинчлантиради, асабий чарчоқларингизни олади.

● 16 май — чоршанба (Ойнинг 22/23 куни).

Бу кеча-кундузнинг қудратли қуввати инсонларда тажовузкорлик, зуравонлик ҳамда бузиш-ёриш иштиёқларини пайдо қилади. У пасткаш майлар, алдов-қалдовларга мойиллиқни кунайтириши билан бирга иштахани қарнай қилади. Уйлар, ҳовли-жойларни поклаш, керамакс буюмларни чиқариб ташлаш, исирик тутатиш тавсия этилади.

Бугун саломатлигингизга ҳам алоҳида эътиборли бўлинг. Терилар нокиллашади, аллергияга мойиллик кучаяди. Ортққа суюқлик ичмаслик, дори-дармонлардан йироқроқ бўлиш маъқул. Қорин бўшлиғидаги жарроҳлик операциялари муваффақиятли кечади.

Ёқимли тушлар кўрасиз. Тонгга яқин кўрган тушларингиз тез орада ўнгингизда содир бўлади.

● 17 май — пайшанба (Ойнинг 23/24 куни).

Бу куннинг раъзи айқ бўлиб, куч-қудрат ва эскирган ҳамда ўз умрини яшаб бўлган нарсаларни қирқиб қилиш ҳиссини фаоллаштиради. Шунинг учун ҳам бугунги кун янгилаш, янги нарсаларни яратиш учун қулай шароитлар яратади. Бундан ўз саломатлигингизни мустаҳкамлашда самарали фойдаланишингиз мумкин.

Куч-қудрат жўш урадиган кун сифатида бугун сиз узоқ ва оғир жисмоний ишларни бажаришингиз мумкин. Сарфлаган куч-қувватларингизни қайта тиклаб олиш мақсадида оксигил бой озиқ-овқатларни тановул қилганингиз маъқул.

Беҳаловат тушлар кўришингиз мумкин. Тушунгизда безовта қилган муаммони эслаб қолинг — зеро, у сизга ҳақиқатан ҳам ҳаётингизда халақат бераётгандир.

● 18 май — жума (Ойнинг 24/25 куни).

Шу кеча-кундуздаги Ой сайёрасининг таъсири одамларни танҳоликка, дангасаликка мойил қилади. Бамайлихотир сайру саёҳатлар, диққатни бир жойга тўплаш бўйича машқлар тавсия этилади. Бир кунлик рўзгор тутти ҳам фойдали бўлади.

Танангизда жисмоний кучингиз кўйилиб келаятганини ҳис этасиз. Бироқ, на ақлий ва на жисмоний толиқишга йўл қўйманг. Кўз қосаси нокиллашади, бош оғриги безовта қилиши мумкин. Кўзларингизни зўриқтирмасликка ҳаракат қилинг. Бошдаги жарроҳлик операциялари бугун мутлақо ман этилади, тиш шифокорига боришни ҳам бошқа кунга қолдиринг. Соч олдиришга ошқиманг.

Кўрган тушларингиз башоратли бўлиб, уларни эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

# ИККИНЧИ ГУЛШАН

(Давоми).

Шоҳ ўшал гавҳарфуруши дарҳол келтиришни буюрди. Мулозим баҳодир ҳузурига бориб шоҳнинг амрини билдирди. Баҳодир шоядқи шоҳ тожини безаса деган андиша билан иккинчи гавҳарни ҳам ўзи билан бирга олиб шоҳ ҳузурига борди. Шоҳ баҳодирдан ҳол-аҳвол сўрагач, икки гавҳарни қаердан олганини сўради. Давлатинг бўлсин абадий эй шахриёр, агар ижозат берсанг ҳолимдан баён айлай деди баҳодир. Шоҳдан ижозат бўлгач, жанггоҳда пахлавон дурман Рустамдек, зарбимдан душманлар топмагай омон. Ўшал йўлини беркитиб, одамларни хонумонидан жудо қилаётган маст фил билан олишиб, бир зарб билан ҳалок этдим. Ушбу гавҳарларни унинг пешонасидан олдим, деди. Шоҳ баҳодирдан бу сўзларни эшитиб, унга таҳсинлар ўқиб, хилъатлар кийдириб, ҳаддан ташқари илтифотлар кўргазди. Шоҳ баҳодирни ўз кўшинига саркарда қилиб тайинлашга қарор қилди. Баҳодир эса шоҳга мурожаат қилиб, «агар ҳар ойда икки лак зар берсанг, албатта мен сенинг хизматингда бўлурман, вагарна менга руҳсат этсанг ўз йўлимга кетсам, деди. Шоҳ ҳар кун ҳазинадан етим-есир, оч-яланғочларга эҳсон улашарди. Бинобарин, баҳодирнинг илтимосини қабул қилиб, уни кўшинга саркарда қилиб тайинлади. Шоҳ баҳодирнинг иззатини жойига қўйиб, ўз суҳбатидан баҳраманд этар, баҳодир ҳам шоҳга чин ихлос билан хизмат қиларди. Шоҳ баҳодирни ҳеч ўзидан нарига кетказмас, доим унинг суҳбатидан кўнгли шод эди.

Кунлардан бир кун шоҳ саройидаги базм то ярим кечাগача давом этди. Базм тугагач барча аъёнлар ўз уйларига тарқаб, саройда шоҳ билан баҳодир узоқ суҳбатлашиб қолдилар. Суҳбат асосида бир баҳайбат овозни эшитдилар. Бу овоз такрор-такрор садо бериб дерди: «Бу гамзаданинг додига ет, қарам, айлаб ани фарёдига ет! Агар додима етмасанг ўз маконимга кетарман, бу манзилдан бош олиб ўз ошенимга кетарман!» Бу баҳайбат овоздан шоҳнинг хуши бошидан учиб, баҳодирга қараб унинг ахволдан хабар ол — деб, ишорат қилди. Баҳодир овоз келган томонга юрди. Шоҳ ҳам баҳодирнинг орқасидан оҳиста юриб бориб, бир панароқ жойда туриб воқеани пинҳона кўзати.


Баҳодир овоз келган томон бораркан рўпарасида фааришта янглиғ нуроний юзли, қадди буқилган кампир намоён бўлди. У худди нурдан яратилгандек атрофни равшан қилиб турарди. Унинг қўлида ўткир шамшир ярқира турарди. Баҳодир унга яқинлашиб қимсан ва нечук инсонсан, мақсадинг недур? — деди. Мен шоҳнинг ҳаёту давлатидурман, бу дунёда камолу ҳашаматидурман. Мен бу ерда меҳмон эрдим, бу тун эса орамизга хижрон тушғусидур — деб, жавоб берди кампир. Баҳодир кампирга қараб, баҳодир ҳаётини сақлаб қолишини иложи борми? — деб сўради. Кампир баҳодирга қараб: «Шоҳнинг ҳузуринда бир даловер баҳодир бордур, кечаю кундуз шоҳнинг хизматида қойим-мақомдур. Шоҳнинг олдида неча муддатлардан бери ўзининг софлиги, тўғрилиги ва шоҳга самимий ихлоси юзасидан хизмат қилаётгани ҳақида даъво қилади. Агар ушбу баҳодир ўз жигарбанди бўлмиш ўғлини менга топширса, уни ушбу шамшер билан юрак-бағрини тилсам ва пора-пора қилсам. Ана шунда шоҳ ажал офатидан омон қолгай — деди.

Баҳодир кампирдан бу сўзни эшитгач, ўз уйига бориб хотинига бўлган воқеани баён қилди. Хотин эрдан мазкур даҳшатли ҳодисани эшитиб, ақл-идрок, тафаккур мезони билан деди: «Бу шоҳнинг бизга қилган иззати ҳамда эзгу илтифотини кўрдик. Бугун унинг бошига тушган офатни дафъ этмоқ, ҳаётини сақлаб қолмоқ учун яққаю ягона жигарбандимизни унинг йўлига нисор этмоқ бизга вужубдур».

Шундан сўн эр-хотин фарзандининг ётоқхонасига кирдилар. Бола энди етти ёшда бўлиб, куёшдек балқиб ухлаб ётарди. Баҳодир ўғлини уйғотиб кўтариб олди. Эр-хотин бирга кампир ҳузурига келиб, болани унинг қўлига бердилар. Кампир болани олиб дарҳол шамшер билан икки пора қилди. Фарзанд доғида онаси ўзини ўғли устига отди. Кампир эса аёвсиз шамшер билан хотинини ҳам икки пора қилди.

Тўғрун ФАЙЗИЕВ тайёрлаган.  
(Давоми бор)

Шарқ дурдоналари



- Тўкилган обрў синган гулдонга ўхшайди — уни чегалаш мумкин, бироқ дарз кетган жойлари доимо кўриниб туради.
- Яхшиликларни йўққа чиқариш учун озгина нуқсон етарлидир.
- Яхши ишда ҳар доим саховат ҳам, куч ҳам бу ишнинг охирига етказишга ҳаракат қилади.
- Хулқ — ҳар ким ўз қиёфасини кўрсатадиган кўзгудир.
- Жамият кишиларнинг фазилати хусусида фақат уларнинг ишларига қараб фикр юритиш мумкин.
- Фақат ақлли ва қалби тоза кишигина тўла маънодаги яхши ва ишончли одамдир.
- Дунёда каттаю кичикнинг иши бир-бирига боғлиқдир. Уларнинг ўзаро ёрдами ва иттифоқидан яхши ишлар ҳосил бўлади. Душманлигидан эса душманлик юз беради. «Яхшиликка яхшилик» билан жавоб қайтариш бу оқилнинг иши.
- ҲИКОЯТ. Оқ қалбли шер бир кун ичкочнага яхшилик қилган эди. Орадан бир неча кунлар ўтиб, шер тасодифан қопқонга тушиб қолди. Шернинг яхшилигини эсидан чиқармаган тез фаҳм ичкоч ўткир тишлари билан қопқон симларини қирқиб, ўз нажоткорини тутқунликдан халос этди.

Байт:

**Яхшилар кетидан агар чопарсан,  
Истагинг, бахтингни шундан топарсан.  
Яшнига яхши бўл, ёмонга ёмон,  
Гулга гул бўлгину, тиканга тикан.**

- Мунофиқлик, ҳушомадгўйлик ва иккиюзламачилик энг катта ёвузликдир. Ниқобга ўралган бу ёвузликларни сеза бил, унга нисбатан ғазабкор ва мурасасиз бўл.
- Одамнинг ўзига мақташ ҳушомадгўйлик белгисидир.
- Фақат пасткаш одамгина олдинда мақтаб, орқандан ғийбат қилади.
- Етти бошли адждарҳодан эмас, тилёглама одамдан кўрк.
- Кимки ҳушомадга учса, химоясиз қолади.
- Яхшилик ниқобига ўранмаган ёки унинг кўмагига суянмаган биронта ҳам иллат ўйқ.
- Адаб ҳақида донолар шундай дейди: адаб — яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашди. Адаб воситасида киши ўз жонини ёмон ҳислатлардан даволайди, ёқимсиз айблардан поклайди, чиройли фазилатлар билан безайди.
- Адаб кишини энг чиройли хулқ билан кулролантиради. Натижада барча ақл эгалари бундай кишидан ҳар ишда рози бўладилар. Адаб эгаси эса кундан кунга обрў топади, аҳволи яхшиланади, ишлари раванк топади.
- Баъзи ҳақимлар адабни энг масъул ва кўркам феълга эга бўлиш десалар, баъзилар нафсини барча қабих одатлардан тозалаш дейдилар. Демак, кимда адаб бўлса бу ноёб неъмат. Адаб — ақлнинг суянчиги, барча фазилатларнинг жони.

Байт:

**Ишонмагил маддох сўзамолларга,  
Заррача наф учун сени мадх этар.  
Бир кун муродин ҳосил этмасанг,  
Икки юздан ортик айб санаб кетар.**

- Мунофиқда уч аломат бор: сўзлаганда ёлғон гапиради, ваъдасига вафо қилмайди, омонатга ҳиёнат қилади.
  - Кишининг қалбидан тўрт гавҳар бўлиб, унинг тўрт душмани бўлади: биринчиси ақл гавҳаридир, унинг душмани ғазаб. Иккинчиси, илм гавҳари — душмани тақабурлик. Учтинчиси, қаноат гавҳари — душмани ҳирс. Тўртинчиси саҳийлик гавҳари — унинг душмани эса таъмадир.
  - Эзгу ниятли кишида уч фазилат бор: тоат-ибодатда ибрат кўрсатади, гуноҳлардан сақланади, ёмонлик қилган кишига ҳам яхшилик қилади.
  - Беш нарса дилни хароб қилади: кўп емок, кўп ухламок, кўп кўлмок, дунё орттириш гамида юрмок ва ҳаром емок.
  - Ривоят қиладилар: Бир-бирингиз билан аччиқлашманг, ҳасад қилманг, тесқари қараб кетманг. Эй инсонлар, бир-бирингиз билан ака-ука бўлинглар. Ҳеч бир мусулмон киши ўз биродаридан уч кечадан ортик аразлаб юриши жоиз эмасдир.
- Байт:
- Тарозу ҳақ эрур рўзи қиёмат,  
Анинг сидқига нозил бўлди оят.  
Билур тангри агарчи холимизни,  
Тарозуга солур аъмолимизни.  
Килур огоҳ қўлин қилмишларига,  
Етушмас ақл эгамнинг ишларига.  
Тарозу бориға икромимиз бор,  
Начук аркиноға не коримиз бор.  
Илоҳо, қил огир мезонимизни,  
Саломат тут бизнинг иймонимизни.**

ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

Ровоч

Ровоч — кўп йиллик сабзавот ўсимлиги. Совуққа чидамли, лекин мўътадил иқлимли ҳудудларда яхши ўсади. Асосан, ровочнинг семиз, серэт барг бандлари, пояси истеъмом қилинади. Май-июнь ойларида йўғиб олинади, сентябрда эса иккинчи марта йўғилади. Ровочнинг барглари толаси нозик пайтида вақти-вақти билан (10-12 кунда) йўғиб олиш керак. Уни хона ҳароратида 2 кечаю кундуз ортик сақлаб бўлмайди, паст ҳароратда целлофанга ўраб қўйилса, 5-7 кун яхши сақланади.

Ровоч таркибида 2 фоизгача шакар, 23 фоизгача органик кислоталар, кальций, фосфор, магнийнинг минерал тузлари, пектинли моддалар, 15-325 мг фоизга яқин С витамини ва бошқа моддалар бор. Ровоч нордон, ўзига хос таъми ва хушбўй, олма таъмига яқин бўлади. Ровочнинг барг бандидан мураббо, компот, кисель тайёрлаш мумкин. Ровочни мис ва темир идишларда қайнатиш мумкин эмас.

Ровоч компоти

Ровоч пояси ва барг бандлари пўстини артиб, яхшилаб ювилади. Устидан совуқ сув қуйиб, 5-7 минут қайнатилади. Кейин шакар солиб, ровоч юмшоқ бўлгунга қадар яна қайнатилади. Қайнаб турганда бироз ванилин солинади. 1 килограмм ровочга 1 литр сув, 1,5 пиёла шакар керак бўлади.

Ровоч кисели

Майда бўлақларга бўлинган ровочга сув қўшиб 5-7 минут қайнагандан кейин пишган ровоч элақдан ўтказилади (элақда эзилади) сўнгра порега шакар (таъбга кўра) қўйилади. Хошга кўра ванилин, лимон парраклари ёки долчин солинади. Картошка унини бироз совуқ сувда аталаб, эзилган порега қўйилади ва қайнаш даражасига етказилади ва совутиб истеъмом қилинади.

500 грамм ровоч банди учун 1/2 литр сув, 2-3 чой қошиқ картошка уни керак бўлади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА тайёрлади.**

БЎШ ВАКТИНГИЗДА

Бошқотирма


**Диагонал бўйича:** 1.Кимматбахо тошлар ўлчоми бирлиги. 2.Автомобиль русуми. 3.Пойтахтимизда яшаб ижод этган маърифатпарвар шоир. 4.Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 5.Марказий Африкадаги дарё. 6.Қўлфинг шериги. 7.Ерга эгилиб ўсувчи серсоя дарахт. 8.Она юрт. 9.Кимматбахо, рангли металл. 10.Довдарахтсиз очик, бўш ҳудуд. 11.Балик тури. 12.Абхазиядан оқиб ўтувчи дарё. 13.Уй-рўзгор эскиблари мажмуи. 14.Австралия қитъасидаги дарё. 15.Тоғ худудининг ўтқиш кулай бўлган жойи. 16.Автомобиль «юраги». 17.Шиннига муз солиб тайёрланадиган, чанқовбосди егулик. 18.Нуқтанинг текислик ёки фазодаги ўрнини белгилайдиган микдор. 19.Олий лига футбол командаси. 20.Ип ёки ипақларни кесиштириб гул тикиш усу-

ли. 21.Орасталик бўйми. 22.Марказий Осиёдаги тизма тоғ. 23.Клавишли катта мусиқа асбоби. 24.Экваториал юлдуз туркуми. 25.Италиянинг танкили футбол командаси. 26.Ҳиндистондаги ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқариш ривож топган шаҳар, Мизорам штати маркази. 27.Янги оила бунёд бўлишидаги маросим. 28.Кўёш боши пайти.

Муаммонона

Бошқотирмани тўғри ҳал этишга муваффақ бўлган бўлсангиз, шакл марказидаги чизиклар билан бирлаштирилган хоналардаги ҳарфларни (биринчи сўзнинг сўнги ҳарфидан бошлаб) маълум тартибда ўқинг. Бунда буюк Соҳибқирон Амир Темури меросига мансуб ибратли сўзлардан бирини билиб оласиз.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**



Газетанинг 5 май сонидан чиққан бошқотирманинг жавоблари:

**Ёйлар бўйича «занжир» ҳолида:** 1. Тор. 2. Пост. 3. «Тик». 4. Оила. 5. Аҷам. 6. Муз. 7. Занг. 8. Гули. 9. Илон. 10. Нота. 11. Асп. 12. Ринг. 13. Ғорц. 14. Цент. 15. Танк. 16. Куч. 17. Чуст. 18. Теша. 19. Асад. 20. Дюма. 21. Ақл. 22. Локс. 23. Сано. 24. Осло. 25. Овул. 26. Луб. 27. Барг. 28. Ғерб. 29. Боку. 30. Уран. 31. Кун. 32. Нақш. 33. Шоли. 34. Ижод. 35. Диод. 36. Дур. 37. Ромб. 38. Бром. 39. Марш. 40. Шона. 41. Арк. 42. Киев. 43. Вахш. 44. Штат. 45. Торт.

Муаммонона

**Оқич сўзлар:** 1.Нақл. 2.Истат. Ҳикмат: Тилни сақла.

БЕКА

«Пўстин» салати

**Керакли масалликлар:** бир дона консерваланган балиқ (кильки), 4 дона тухум, 4 дона картошка, уч дона қизил лавлаги, уч дона қизил сабзи, 250 грамм майонез ёки қаймок, 150 грамм майдаланган ёнғоқ керак бўлади.

Тайёрланиши: картошка, қизил лавлаги ва қизил сабзиларни сувда пишириб олинади. Тайёр бўлган ҳамма масалликларни ўртача тишли қирғичдан ўтказиб алоҳида-алоҳида қўйилади. Тухумни сувда пишириб, майда қилиб тўғралади. Ҳамма нарса қайиб бўлган, ясси ўртача тарелкага консерваланган балиқни бир текис қилиб ёйиб солинади. Сўнгра эса картошкани солиб, озгина туз сепилади, майонез ёки қаймок сурилади, лавлагини ҳам бир текис қилиб солиб, майонез сурилади, қизил сабзини ҳам бир текис қилиб солиб, озгина туз сепилади ва майонез сурилади. Тухумни ҳам бир текис қилиб солиб яна картошка, лавлаги, қизил сабзи, тухумни такроран қаватма-қават солинади. Энг устки қаватига ва ёнларига майонез суриб чиқилади ва қирғичдан чиққан ёнғоқни яхшилаб бир текис қилиб устига ва ёнларига сепиб чиқилади. Тайёр бўлган салатни дастурхонга тортиб, пичок билан кесиб ейишингиз мумкин.

Ёқимли иштаҳ!

**Дилдора СОДИҚОВА**

РАССОМ ХАНДАСИ



— Ҳўйга айтиб келиб эдим, тўйимни ўтказиб берсангиз, тўйчи ака.  
Отари: — Кеча тўйда кўпроқ отиб юрибман шекилли, мазам йўқ, бора олмайман.



— Дадаси, ҳадеб сигарет чекиб, телевизор кўриб ўтиравермасдан бундай сокол-поколизни олиб ўзингизга қарасангизчи!  
— Кўвер хотин, бугун дам олиш кунини, ишга бормайманку.  
**Абдурашул ҲАКИМОВ** чизган расмлар.

Келинг, бир кулишайлик

**Полициячи йўловчи:**  
— Кечирасиз, тун ярмида бундай жиддий қиёфада қаерга шошяписиз?  
— Лекцияга.  
— Лекцияга? Қизиқ, тунги соат иккида қим лекция ўқийди?  
— Хотиним.

\*\*\*  
Эр: Уғлимизга ақл-идрок мендан утганеа ўхшайди.  
Хотин: Мен ҳам шундай деб ўйлайман, чунки менки жойида турибди.

Эр: — Бугунча телевизорни тўрға қўйди.  
Хотин: — Нега? Тўрға жойи вази-ку?  
Эр: — Тўрғи-ю, аммо бугун ҳўжайини телевизорга чиқарган эдилар...

\*\*\*  
Эр: — Бугунча телевизорни тўрға қўйди.  
Хотин: — Нега? Тўрға жойи вази-ку?  
Эр: — Тўрғи-ю, аммо бугун ҳўжайини телевизорга чиқарган эдилар...

\*\*\*  
Эр: — Бугунча телевизорни тўрға қўйди.  
Хотин: — Нега? Тўрға жойи вази-ку?  
Эр: — Тўрғи-ю, аммо бугун ҳўжайини телевизорга чиқарган эдилар...

\*\*\*  
Эр: — Бугунча телевизорни тўрға қўйди.  
Хотин: — Нега? Тўрға жойи вази-ку?  
Эр: — Тўрғи-ю, аммо бугун ҳўжайини телевизорга чиқарган эдилар...

\*\*\*  
Эр: — Бугунча телевизорни тўрға қўйди.  
Хотин: — Нега? Тўрға жойи вази-ку?  
Эр: — Тўрғи-ю, аммо бугун ҳўжайини телевизорга чиқарган эдилар...

\*\*\*  
Эр: — Бугунча телевизорни тўрға қўйди.  
Хотин: — Нега? Тўрға жойи вази-ку?  
Эр: — Тўрғи-ю, аммо бугун ҳўжайини телевизорга чиқарган эдилар...

\*\*\*  
Эр: — Бугунча телевизорни тўрға қўйди.  
Хотин: — Нега? Тўрға жойи вази-ку?  
Эр: — Тўрғи-ю, аммо бугун ҳўжайини телевизорга чиқарган эдилар...

\*\*\*  
Эр: — Бугунча телевизорни тўрға қўйди.  
Хотин: — Нега? Тўрға жойи вази-ку?  
Эр: — Тўрғи-ю, аммо бугун ҳўжайини телевизорга чиқарган эдилар...

\*\*\*  
Эр: — Бугунча телевизорни тўрға қўйди.  
Хотин: — Нега? Тўрға жойи вази-ку?  
Эр: — Тўрғи-ю, аммо бугун ҳўжайини телевизорга чиқарган эдилар...



Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма тираж офсет усулида босилади. Қўзғаткичи А-3

Душанба, чоршанба  
ва жума  
кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 209

Газета Узбекистон Давлат матбуот хўжиясида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрига етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшом»нинг компьютер марказида терилди ва сақланибди.

«Шарқ» нашрий-матбаа акциядорлик компанияси бошмақоноси. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.